



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2016-yil 17-iyun №25 (4372)



ТўЗАЛ ВА БЕТАҚРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВА МАҲУМ,
ЖОҲИМ СЕНГА ҚИДО, ЎЗБЕКИСТОҲИМ!

АСРЛАРГА КЎЗГУ ЗАМОН

Ўтган йигирма беш йил мобайнида мамлакатимиз эришган миллий тараққиётни мен бамисоли афсонавий ҳумо қушининг чексиз мовий осмонлардаги озод, эркин парвозига менгзагим келади. Эркин парвоз ўз қанотлари қудрати, онги ва тафаккури самараси билан шундай тенгсиз бунёдкорлик яратмоқдаки, унинг гўзаллиги олам аҳлини маҳлиё этаётир.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида айтилганидек, мустақиллик заҳматкаш халқимиз ўзлигини англаши, фаровон ҳаёт ва ёрғ келажигини ўз қўли билан қуриши йўлида яратган бекиёс имкониятлар самарасини, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ишлар мазмун-моҳиятини халқимизга, ёшларимизга аниқ мисоллар орқали бор бўйича кўрсатиб беришда катта ҳикмат бор.

Бу ҳақда ўйлаганда, ўзликни англаш йўлида қилинган буюк ишларнинг энг аввалида шўро замонида камситилиб, қонуний ҳақ-ҳуқуқи чеклаб келинган она тилимизнинг ғоят қалтис ва таҳликали вазиятларга қарамасдан давлат тили мақомига эришган йиллар кўз олдимизга келади. Ўзининг қонуний мақомига муяссар бўлган она тилимиз ўтган чорак аср мобайнида буюк қаддини тиклаб, жаҳоннинг энг мўътабар тиллари қаторидаги муносиб ўрнини эгаллади. Бу кутлуг жараён миллиятнинг ўзлигини англаш, она тилини асраб-авайлаш, уни бойитиш ва нуфузини ошириш йўлидаги энг устувор ва узвий давом этадиган юксак мақсадга айланиши эса, бизни истиқлолнинг чорак асрлик тўйи арафасида Президент Фармони билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилишидек тарихан буюк воқеанинг гувоҳига айлантирди. Соҳибқирон Амир Темури ва темурийлар даврида юксак босқичга кўтарилиб, Алишер Навоий бобомиз сиймосида умумбашариёт маданий хазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарлар билан бениҳоя қадр топган она тилимиз миллият маънавий камолотининг кўзгусига айлангани бежиз эмас.

Амир Темури ва Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардалар, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари улғу алломалар, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Абдуҳалиқ Фихривоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мотурудийдек авлиё боболаримиз руҳини шод этиб, уларнинг илмий-маданий меросини маънавий мулкимизга айлантирганимиз ҳам миллиятнинг ўзлигини англашида, уларга муносиб авлодларни камолга етказишда бениҳоя кутлуг қадамдир.

Халқимиз мустақиллик шарофатидан ўз қўли ва ақлидроки билан яратётган фаровон ҳаёт тимсоллари эса ҳар қадамда кўзни қувонтирмоқда. Бу ҳақда мушоҳада юритиб, кўпни кўрган, юз ёшни ҳам қаритган пиру бадавлат бобо ва момоларимиз таъбири билан айтадиган бўлсак, бундай замон асло бўлмаган. Бу ўринда биз тилга оладиган ҳар бир бунёдкорлик манзараси шу кўхна оламга зебу зийнат бўлиб, ўтган чорак аср не-не асрларга кўзга тутаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Ҳа, шундай. Ахир, кимнинг ҳам ҳаёлига келибди дейсизки, суви жилдираб қолганидан тубидаги қумлар-да "қашқа-қашқа" бўлиб ётган Қашқадарёнинг кўхна Насаф ёнидан ўтувчи ўзанини бундан неча минг йиллар бурунгидек — бир замонлар Зарафшон дарёсига, сўнг эса иккала дарё бир бўлиб Амударёга қуйилган даврлардагидек суви лиммо-лим қиёфага, балки ундан-да юз чандон гўзал маъвога айлантириб бўлади, деб! Бир вақтлар Амир Темури бобомиз замонида тикланган эски кўприкнинг меъморий ечимини нақш нигорларига назар солиб ўтардиги дарёнинг қачондир келиб тўкиб оқишини асло тасаввуримизга сиғдира олмаё эдик.

Давоми иккинчи саҳифада.

ЖАҲОН БИЛАН БЎЙЛАШИБ

Миллий опера санъатимиз юлдузи, Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқовани юртимизда ҳам, хорижда ҳам жуда яхши биладилар, ижросини севиб тинглайдилар. Яқинда санъаткор муҳлислар эътиборига ҳавола этган "Мафтункор опера баҳори" деб номланган концерт дастури фикримиз далилидир. Опера санъати ихлосмандлари икки кун давомида сеvimли хонанда ижросида ўзбек ва европа опера дурдоналаридан ариялар, қўшиқ ва романслар тинглашга муваффақ бўлишди. Мазкур концерт, опера санъатининг бугунги қиёфаси ва келажиги ҳақидаги таниқли санъаткор билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.



Давр ёшлар нигоҳида

Байрам АЙТМУРОД,
ёш ёзувчи

ЭРТАҚДАГИ МАМЛАКАТ

ТУН ҚҮЙНИДАГИ ОРЗУЛАР...

Икки-уч яшар бола эдим. Биз шаҳарда яшардик. У пайтлар шаҳарнинг аҳоли қишлоқчиқидан, қишлоқнинг аҳоли шаҳарчиқидан танг эди. Дастурхондан нон узилган йиллар эди. Эсимда, икки хонали кичкина хужрада онам, мен, синглим отамизни кутиб ўтирардик. Отам бу пайтда нон дўконининг олдида навбатини кутиб турган бўлади. Отам нон олиб келган уйимизда байрам бошланади.


Қиш қаттиқ келиб, ўпкам шамоллаб, онам билан касалхонада ётибман. Отам топганини бизга ташийди. Дори танқис, шифокор кам. Дориларнинг ачимсиқ исси анқиб турган нимёруғ палатада мен тенги болалар, онам қатори оналар кўп эди. Кундузи яхши юраман, кечаси

томоғим билан ўпкам йиртилгудек қув-қув йўталаман, шигиғ нафас оламан, қийналаман. Онам қийналганимни кўриб эзилади, йиғлайди. Ҳозир ўйлайман, ўшанда шифокорлар "Энди фойдаси йўқ!", деган шекилли, онам мени бағрига босганича бир гапни такрорларди:

— Ҳали кўп яшайсан, болам! Ҳали мен кўрмаган яхши кунларни кўрасан!

Мен онамнинг ғамдан сарғайган, меҳнатдан қорайган нурли юзларини сийлайман, кўз ёшларини артаман. Онам озгин, қоқ суяк қўлларимни ўпиб, ўзини тетик кўрсатишга ҳаракат қилади-да, "Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадим замонда..." дея эртак бошлайди.

Давоми иккинчи саҳифада.



Бугунимиз ва келажигимиз.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Халқимизда "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", деган ибратли нақл бор. У бежиз айтилмаган. Бугун дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган офатлару вайронагарчиликлардан, ёвуз кучлар томонидан содир этилаётган беҳуда қон тўкишу хунрезликлардан хабардор бўлган ҳар бир юртдошимиз, албатта, тинч ва ёрғ кунларга шукрона айтиши турган гап.

Тинчлик туфайли тўйлар тўйга, байрамлар байрамга уланмоқда. Аммо кундан-кунга гуллаб-яшнаётган мамлакатимизнинг бахтини кўролмайдиган разил кучлар, афсуски ҳалиям бор. Улар ҳар лаҳзада пайт пойлаб юртимиздаги тинч-осойишта кунларга раҳна солишга ҳаракат қиладилар.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз мустақиллигининг метин қалқонлари бўлмиш Мудофаа вазирлиги, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шу жумладан, ички ишлар органларининг ҳам мард ва жасур ходимлари ёвуз ниятли террорчи ва экстремистлар билан бўлган аёвсиз курашларда халок бўлганлари ҳеч кимга сир эмас. Улар сизу бизнинг тинч ва бахтли ҳаёт кечирешишимиз

учун ўз жонларини қурбон қилганларини асло унутмаслигимиз, бу ёрғ кунларни кўз қорачигидек асрашимиз зарур.

Юртбошимиз Мустақиллик байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақидаги қарорида таъкидлаганидек, "...бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачигидек асраш, миллатлар ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик

учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур очиб бериш" зарурлигини ҳар биримиз англаб етмоғимиз лозим.

Ўйлаймизки, Президентимизнинг бу фикрлари шу кунларда энг улғу, энг азиз байрамимиз — истиқлолнинг 25 йиллигини муносиб нишонлаш тараддудида бўлган барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ички ишлар вазирлиги ва унинг тизимларида хизмат бурчини бажариш чоғида халок бўлган ходимларнинг порлоқ хотирасини ёд этиб, уларга ҳурмат бажо келтириш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш каби эзгу ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2016 йилнинг 10-11 июн кунлари "Истиқлол" санъат саройида ИИБ Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли томонидан "Дилларда Ватан мадҳи" номли катта хайрия концерти ўтказилди.

Давоми иккинчи саҳифада.

ЁЗУВЧИНИНГ ДАРДИ

Азалдан аён ҳақиқат шуки, инсон ҳақидаги энг тўлиқ маълумотни бадий асарлардан, биринчи навбатда, насрдан олса бўлади. Инчунун, яқин ва узоқ кечмиш борасидаги тўла-тўқис ҳақиқатлар ҳам илмий-тарихий манбалар ёнқи ҳиссиз статистика рақамларида эмас, ёзувчиларнинг битикларида акс этади.

Мисол излаб узоққа бориб ўтирмайлик. Ўтган асрнинг ўнинчи-ўн бешинчи йилларида элимизнинг ҳаёти, одамларнинг дунёқарashi, ўй-интилишлари, бир сўз билан айтганда, яшаш тарзи қандай кечган, деган саволларга батафсил жавоб топиш учун "Ўтмишдан эртаклар"ни ўқиб чиқиш кифоя.

Мана шу ҳолатнинг ўзбек қаламкашининг зиммасига залворли масъулятини юклаб қўяди, ундан фақат ва фақат бўяб-бежалмаган ҳақиқатни ёзишни талаб этади.

Шаксиз, шеърятимиз, гарчи таржимон-га ёлчимаётган бўлса-да, азалдан юксак.

Бироқ оғир қарвон насримизда кейинги йилларда кечган, кечаётган вазмин юксалишларни кўриб, очиги, мамнун бўласан киши. Муҳими, бу тор доирадаги эътироф эмас. Дейлик, бугун ижодкор дўстимиз Исажон Султоннинг ҳикояси Чикагодаги танловда совринли ўрин

ни қўлга киритгани ёхуд ўзбек адабларининг француз ва инглиз тилларидаги китоблари тақдироти Фарб шаҳарларида ўтказилганининг ўзи адабиётимизнинг улкан ютуқларидан эмасми? Бундан қувонайлик, фахрланайлик, ибрат олайлик...

Касб тақозосига кўра, кўплаб қўлёзмаларни ўқишга тўғри келади. Тан олайлик, бизни хайратларга солаётган, одми тасаввурларимизни парчалаб ташлаётган асарлар миқдори ортиб, қўламини кенгайиб бормоқда. Муқаддас жой ҳеч қачон бўш қолмайди. Элимиз иқтидорларга бой. Адабиётимизга Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдам, Муҳаммад Шариф...лардан кейин янги тўлқин кириб келмоқда. Булар дунё адабиётидан бохабар, тил биладиган ва — бахтларига — мафкуравий қолиплардан холи авлоддир.

Давоми учинчи саҳифада.

Адиб ва жамият

Бошланиши биринчи саҳифада.

Юртбошимиз Қарши шаҳрини қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарор юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, дарёнинг шу жойи ва қирғоқларини обод қилиш, Амир Темури кўпригининг ҳар икки тарафида аҳоли дам оладиган гўзал хиббонлар ташкил этиш тўғрисида кўрсатмалар берганидан сўнг, мана, орадан роппа-роса бир йил ўтиб, дарё ўзани бўйлаб жаннатмакон бир гўзал маъво барпо этилдики, кўриб кўзимизга ишонмадик. Юртбошимиз дарёнинг шу жойидан ўтаётганда унга ҳамма қатори оддий кўз билан эмас, юртига, халқига бениҳоя ғамхўр ва элпарвар буюк меъмор кўзи билан боққанидан ҳайратда қоласан, киши.



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қарши шаҳар бўлинмаси раиси Нурали Маҳматов ҳикоя қилишча, тарихий кўприкдан ўрта асрларда Эрон ва Хиндистонни Европа билан Насаф орқали боғлаган муҳим қаровон йўллари ўтган. Юртбошимиз 2015 йил 30 июнь — 1 июль кунлари вилаетта ташрифи чоғида кўприк ва унинг атрофини ҳушманзарра сайилгоҳга айлантириш борасида тақлифлар билдирган эди. Орадан ўтган бир йилнинг ўзида Амир Темури кўприги атрофи йирик дам олиш ва истироҳат масканга айланди. Герман Вамбери «Ўрта Осиёга саёҳат» асарида: «Қаршида оммавий оромгоҳнинг мавжудлиги мени жуда ҳайрон қолдирди. Бунга ўхшаш жойни на Бухорода, на Самарқандда, ҳаттоки Форсда ҳам учратмагандим. Мазкур оромгоҳ дарё бўйида жойлашган боғ бўлиб, у бир неча хиббон ва гулзорларга эга», деб таърифлайди. Демак, бу ерда қадимда ҳам сайилгоҳ бўлган. Бироқ бугун Юртбошимиз даъвати билан барпо этилган хиббонни гўё орзулардаги афсонавий боғу бўстонлардан ҳам зиёда, дейсиз. Дарёбўйи хиббони кўнха Насафга янги замон, янги давр, истиқлол шукруни инъом этди. Амир Темури шахсига, қадимий қадриятларимиз, тарихимизга бўлган чекисиз ҳурмат ва эъзознинг ифодаси бўлди. Дарёга учта тўғон қурилди. Қирғоқ бўйидаги эски бинолар ўрнида боғ-хиёбонлар, кемалар тўхтайдиган тўрта жой барпо этилиб, эллиқдан зиёд катамаран, сайёҳлик катерлари, аттракционлар келтирилди. Дарё соҳили бўйлаб кафе-барлар, болалар майдончалари, спорт майдончаси барпо этилди. 144,8 минг квадрат метр майдонни обихаёт билан таъминловчи қурилмалар ўрнатилиб, ҳаммаёқ кўқаламзорлашди. Ландшафт меъмор-

лигига монанд кўркам боғчулар, қишда аёз забини, ёзда эса саратон тафтини босувчи тўрт минг тупдан зиёд манзарали дарахт ва буталар экилди. Аввал Урганчдаги Шовот канали, сўнг Гулистон шаҳри атрофидан оқиб ўтувчи Мирзачўл канали атрофларини истироҳат боғларига айлантириш борасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари Қаршидаги Амир Темури кўприги атрофини бетимсол сайилгоҳга айлантиришда фойда қўлиб, боғ-меъморлигининг Марказий Осиёнинг ўзига хос ҳазинара иқлим шароитига монанд янги гўзал намунаси яратилганини қашқадарёликларгина эмас, дарё соҳилини сеvimли маскан сифатида қадрлаётган чет эллик сайёҳлар ҳам эътироф этишаётди.

Мана, истиқлолнинг бекиёс имкониятлари тўғрисида халқимиз ўз қўли билан фаровон ҳаёт ва ёруғ келажақ яратишга муваффақ бўлаётганининг мингдан бир далили. Эртанги истиқболимиз эса чорак аср мобайнида барча жабҳаларда мамлакат эришган шундай бекиёс ютуқларга таянади ва қуч-қудрат олади. Юртбошимиз раҳнамолигидан халқимиз яратаятган улкан бунёдкорлик ишлари эртанги ёруғ келажақнинг мустақам замини бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, тарихнинг энг залворли бурилиш лаҳзаларида бекиёс машаққат чекиб, катта матонат ва жасорат кўрсатиб эришилган мустақиллик неъматини кўз қорачигидек асраб, эъозлаб, унинг боқийлигини таъминлашни ўз зиммасига олишга ҳар жиҳатдан қодир авлодни қамолга етказиш энг олий мақсадимиздир. Халқимизнинг асл

бахти ва саодати ана шу авлодни тарбиялаш, қамол топтириш орқали рўёбга чиқади. Юртбошимиз Қаршида бу борада шундай дейилган: «Эртанги кунимизнинг таяни ва суянчи бўлиши ёш авлодимизнинг ангина, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдир ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни шундай ёшларни, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи қуч сифатида тайёрлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз деб кун тартибига қўйганимиз вақт ўтиши билан нақадар узоқни кўзалган тарихий қадам бўлгани тобора аён бўлмоқда».

«Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган бош гоани ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирларимизда ҳозирги ўта таҳликали, турли таҳдид ва хатарлар қучайиб бораётган дунёда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз — тинчлик ва осойишталикни кўз қорачигидек асраш, миллатлар ва фуқаролараро ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ ҳолда тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги ҳақида фикр юритар эканмиз, юртимиз мустақиллиги, унинг ҳавфсизлиги ва ҳудудий ахилитлигини ҳимоя қилиш ҳақида энг буюк ватанпарварлик иши, маънавий эҳтиёж ва аждодлар олдидаги муқаддас бурч бўлиб қолаверади.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисидаги Президентимиз Фармони она тилимизга берилаётган бекиёс эътибор сифатида кўнглимни фахр ва ифтихорга тўлдирди. Ҳазрат Навоий бобомиз инсон она тили тўғрисида кўнглида туғёнга келган туйғуларини олмоси лисон шарофи ва гавҳари баён лутфи билан жумлаи жаҳонга шоён қилди, тафаккур ҳазиналарини

мукамаллик касб этиши қийин. Шу нуктаи назардан қараганда, истиқлол йилларида ёш, иқтидорли таржимонлар етишиб чиқди, улар томонидан атоқли адабларимизнинг бир қанча асарлари инглиз, немис, француз ва бошқа чет тилларига таржима қилинди.

Махсус таржимонлик факультетининг ташкил этилиши бу жараёни тезлаштирди ва малакали, иқтидорли мутахассислар сафининг ўсишига замин яратди. Бу эса, улуг аждодлар

ли замон ва маконни тан олмайди, у узоқ, ҳатто абадий яшашга лойиқ.

Бугунги авлод ўқувчилари билим-салохияти билан олдинги авлод ўқувчиларидан ҳар томонлама фарқ қилади. Маърифат ва маънавиятни ўз тақдирини, ҳаёт йўли деб бўлган ёшлар ўзбек адабиёти даражасини яхши билади, уларнинг чет эл адабиётига интилиши бу асарларнинг ўзаро қимматини, даражасини англашга интилиш билан изоҳланади, деб ўйлай-

ман. Мана, масалан, ҳамма маътайтган Пауло Коэлоннинг «Ал-кимёгар» асари Жалолиддин Румийдан келтирилган ривоят асосига қурилган.

Алишер Навоий ёзувчининг ўзи танлаб олган ижод маҳсулини она тилига ёки она тилидан бошқа бир тилга моддий эҳтиёж учун ўғирмайди, балки ўша маънавий хазинадан бошқалар ҳам баҳраманд бўлиши учун жон қуйдилади. Таржима — зулматда зиё таратаётган шамга ўхшайди — унга талпинадиган парвона кўнгилаб, маърифат ошноларни дунёда бисёр.

Биз узоқ йиллар замон тақозиси билан хориж адабиётларини иккинчи тил — рус тилидан она тилимизга ўғириб келдик. Балки кўпроқ рус адаблари асарларининг ўзбек тилига ўғирилганига ҳам сабаб шудир. Лекин яхши асар, ижод маҳсу-

Муносабат

ОЛАМШУМУЛ ЭҲТИЁЖ

дан бизни баҳраманд этди, дейди.

Фармонда университет таркибида ташкил этиладиган инглиз-ўзбек таржимона факультетида илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан ўгирадиган таржимонлар тайёрлашга алоҳида ургу берилган.

Бунинг замирида улкан ва олижаноб мақсад — асрлар давомида буюк аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо ва дурдона асарларни энг ноэтиқиборларига тўшунари тарзда бошқа тилларга ўғириб, ўқувчи қўлига мукамал ҳолда етказиб бериш мақсади мурассам.

Ўзбекча руҳда, қадриятларимиз асосида тарбия топмаган таржимон ўғирган ҳар бир асар

Ўшанда ўн ёшларда эдим. Отам урушга кетган. Онам эса кечаю кундуз далада ишлайди. Бир куни кўчага чиқсам эрагу аёл бешта қишлоққа хизмат кўрсатадиган биттагина дўконга ҳовлиқиб кетишяпти. Тааж-жубланганча, ҳеч нарсага тушунмасам-да, улар ортидан чопдим.

Дўконга етиб борсам, радиодан қандайдир шовқин-суронли гаплар эшитилиб турарди. Мен ҳам уриниб-суришиб, бир амаллаб ичкари кириб олдим. Қарасам, одамларнинг кўзларида жижка ёш... Шу пайт кутилмагандан бирқўл муаллимимиз:

— Ғалаба! Ғалаба қилибмиз! Уруш тугабди! — деди-ю оппоқ соқолли Яхши бобони қучқолаб олди.

Билдимки, уруш тугабди. Дўкондан қандай чиққанимни билмайман. Фақат қишлоқ кўчаси бўйлаб ялангоёқ: «Онажо-он, суюнчи беринг, уруш тугабди, отажоним келадилар!» дея уйимизгача қичкириб чопганларим ҳамон ёдимда.

Мана шунга ҳам етмиш йилдан ошди. Ёшим ҳам саксонга қараб борапти. Энди Истиқлол даврида яшаймиз. У кунлар билан бугунимизни таққослаб кўрсам, осмон билан ерча фарқ бор...

Мен яшаб келаётган Ҳазора қишлоғида биттагина каталак-

дек тўрт хонадан иборат мактаб бўлиб, унга бешта қишлоқ болалари қатнаб ўқирди. Дунё эътиборидаги Шаҳрисабзда бор-йўғи иккита ўрта мактаб бор эди. Ҳозир бу ерда бир қанча қўшаватли замонавий кўркам мактаб, коллеж ва мактабгача таълим-тарбия муассасалари мавжуд. Кўчалар кенг,

равон. Қишлоғимиздаги лойсулар ўтказмади, ахир! Тўғриси айтмаган бўлсак, «булар унмасин, улғаймасин» дейилган мустақил тузумнинг махфий сиёсати орқали халқимиз қанчадан-қанча маънавиятли фарзандларидан айрилди. Истиқлол тўғрисида уларнинг пок номлари оқланди...

Ийғирма йил муқаддам кўнха Кешда бўлиб ўтган катта тантанани шахрисабзликлар, қолаверса, ўзбек халқи ҳеч қачон унутмайди. Соҳибқирон бобомизнинг 660 йиллик тўйи арафасида Кешда улкан ҳайкал қад

ростлади. Марказий майдондаги ҳайкал, майсаларга бурканиб ётган хиббон, ранг-баранг фавворалар, чаман-чаман очилган гуллар Оксаройнинг жамолини янада очиб юборди. Оксаройга яқин ҳудуддаги Амир Темури музейи бу ерга ташриф буюрувчи сайёҳлар сафини янада кенгайтирмоқда.

Тарихий обидалар, масжидлар, мадрасалар, Чорсу савдо маркази, Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Коба, Чўбин, Малик аштар ва бошқа муҳташам ёдгорликлар атрофи янада обод бўлди.

— Мана бу дарахтлар иқлимимизга жуда мос тушди-да. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан Шаҳрисабз — қадим Кешни ободонлаштириш учун Белгиядан каштан, дуб, лола ва қора қарагай сингари ноёб дарахтлар, ўн олти турдаги гул кўчатлари келтирилганди. Азамат ҳамшаҳарларимиз иштиёқ билан: уларни ўз вақтида экиб кўқарттиришди. Амир Темури хиббони тўқсон икки гектарга кенгайтирилди. Қанчадан-қанча замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрса-

тиш бинолари, корхоналар ишга туширилди. Ўтган йилнинг ўзидан 135 та намунали уйлар қуриб фойдаланишга топширилди, уларга ҳамюртларимиз кўчиб киришди.

Бугун ҳар бир элдошимиз қалбида Ватанга муҳаббат ҳисси жўш урмоқда. Истиқлол менинг ҳаётимда ҳам катта бўлиб қолди.

Жаббор ХАЛИЛ,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Бошланиши биринчи саҳифада.

Хайрия концертидан кўзланган мақсад хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳодимларнинг оила аъзолари ва фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш иборат.

Бундан ташқари, ИИВ академиясида «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш олий саодатидир» мавзусидаги илмий-амалий анжуман, Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида «Менинг дадам — ички ишлар ҳодими» деб номланган кўрик-танлов, Ёнгин хавфсизлиги олий техника мактаби ўйингоҳида эса «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилган «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» деб номланган ёшлар фестивали таассуротларга бой бўлди.

Бу каби хайрли тадбирлар, албатта, ёш авлод онига халқимиз нузли кунларга осонлик билан эришмагани, бунинг учун Ватаннинг не-не мард ва фидойи ўғлонлари ўз жонларини тикканлари ҳақидаги ҳаёт ҳақиқатини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Минг шукри, сарҳадларимиз мустаҳкам, Ўзбекистон уни ҳимоя қилувчи ўз метин кўргонига — фидойи ва ўторак посбонларига эга ва улар ҳамиша ўз постларида сергак ва ҳушёрдирлар. Аммо Ватан тинчлиги, халқ фаровонлиги учун фақат ҳарбийлар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳодимларигина эмас, балки шу Ватанда яшаётган ҳар бир юртдошимиз масъул эканини асло унутмаслигимиз лозим. Зеро, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, ота-боболаримизнинг муқаддас хохи бор

бу она тупроқни, энг олий неъматимиз бўлмиш тинчликни бир тану бир жон бўлиб кўз қорачигидек асраш бугунги кун талабидир.

Ахир, биз барчамиз шу бетакор, шу ягона она Ватаннинг фарзандларимиз, онанинг ҳурматиин жойига қўйиш, уни асраб-авайлаш эса ҳар бир фарзанднинг инсоний бурчидир.

Элим деб ўт-олов кечганлар ҳаққи, Огоҳлик байроғини маҳкамроқ тутинг. Юртим деб жонидан кечганлар ҳаққи, Бу ёруғ кунларнинг қадрига етинг!

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
Республика ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғи, полковник

Ёзувчилар уюшмасида

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида она Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб «Ижод» жамоат фонди ҳомиёлигида нашр этилган «Биз истиқлол фарзандларимиз» номли ёш ижодкорлар баёзи тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда шоирлар, ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари ва ёш ижодкорлар иштирок этди. — Истиқлол йилларида ижтимоий ҳаётимиз-

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

нинг барча соҳалари қатори миллий адабиётимизда ҳам том маънода янгилашни ва юксалиш жараёнлари рўй бермоқда, — деди уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али тадбирини очар экан, — Муҳтарам Юртбошимиз Исрол Каримовнинг ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш масаласига юксак эътибор бераётганининг ҳар лаҳзада гувоҳи бўлмоқдамиз, ёшларнинг ўзи ҳам бу меҳрин чин юракдан ҳис этиб яшамоқда, фаолият юритмоқда.

Дарҳақиқат, бугунга қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган келминаётган ёш ижодкорларнинг аънаваний «Истеъдод мактаби» республика семинарида иштирок этиб, қолиб бўлган 53 нафар ёш ижодкорнинг биринчи китоби «Ижод» фонди ҳомиёлигида чоп этилиб, республикамиз умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари тарқатилди.

Жонажон диёримизда юз бераётган улғувор ўзгаришларнинг асосини англаш, юртимиз тинчлигини қадрлаш ва мамлакатимиз равнақи учун фидокорона ибрат қилаётган замонамиз қахрамонларининг неҳрати ҳаётини бадиий маҳорат билан қаламга олиш орузи ҳар бир ёш ижодкор қалбига жўш урмоғи керак. Зеро, бугунги ёшлар истиқлол даврининг жарчилари-дир. «Биз истиқлол фарзандларимиз» деб номланган баёз юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган 66 нафар ана шундай умидли, истеъдодли ёшларнинг шешларидан ташкил топган. Баёзда истиқлол фарзандларининг бахтиёр ва мағрур овози баралла янграган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, академик Бахтиёр Назаров, шоира Шарифа Салимова мамлакатимизда ёшларга қартирилган юксак эътибор, адабий ҳаёда ёш ижодкорларнинг ўрни, улар томонидан нашр этилаётган янги асарлар, «Биз истиқлол фарзандларимиз» номли ёшлар баёзига кирган шешларнинг мазмун, мавзун, янги ташбеҳларни ҳақида фикр билдирдилар. Ёш ижодкорлар Маҳиё Умрзоқова, Отабек Одилов, Дилфоруз Тўрақуллова, Аслиддин Сабриддинов ёшлар номидан дил сўзларини изҳор этдилар.

Юлдуз АБДУРАШИДОВА,
ёш ижодкор

ЭРТАҚДАГИ МАМЛАКАТ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тун қўйида айтилган бу эртақлар Зухро олдуздек онамнинг ҳам, менинг ҳам қалбимни ёруғ умидлар, орзулар билан ёритарди. Улардаги элу халқнинг озодлиги, бахту саодати учун қахрамонлик кўрсатган одил, доно юрт эгалари, девлар билан олишган энгилмас ботириллар, аждрҳоларни маҳв этган алпкелбат паҳлавонлар, ялмоғизларни ўтқир зехни билан мот қилган оқила соҳибжамоллар ҳамиша мени ҳаяжонга солиб келган. Эртақ эшитиб ухлаб қолган воқеалар тушларимда давом этарди. Муштипар онам эса мижжа қоқмай тепамда ўтириб қарарди.

ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганда, ҳали мактабга чиқмаган эдим. «Мустақиллик» деган муқаддас тушунчанинг нақадар буюк неъмат эканини бола шуурини ҳали тўлиқ англаб етмаган бўлса-да, бу сўз оиламизга нақадар катта қувонч олиб келганини мурғак қалбим ҳис қилиб турардим. Отам «Етказганига шукр, энди ҳаммаси бошқача бўлади!» дегани, онам мени меҳр тўла бағрига босиб, «Сен кўранда ёруғ кунларни мен ҳам кўрандага ўхшайман!» дея севингани ҳалигача эсимдан чиқмайди.

Ўзимнинг ўттинчиси, истиқлолимизнинг йигирма бешинчи доғидида туриб, ўтган даврга, кўрган-кечирганларимга назар қолсам, онам айтган эртақлар орқали қалбимизга го бўлган орзуларимизнинг ижобатини кўраман.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач улкан салоҳиятга эга, халқнинг тинчлик-осойишталигини, фаровонлигини, фарзандлар саломатлигини, қамоллини, нузли истиқболию бахту иқболини таъминлашга қодир қудратли давлатга айланди. Бу дунё тан олиб турган айни ҳақиқатдир.

Юртбошимизнинг «Мана шундай замандаги халқ, ҳар бир оила, ҳар бир киши, миллатидан қатъи назар, бахтли яшашга ҳақиқдир. Бу мақсади амалга ошириш учун биз ҳамма нарсасга тайёриймиз» деган сўзлари бугун ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз тасдиғини топмоқда.

Дунё дастурхонига тобора тансиқ бўлиб бораётган тинчлик деган неъматнинг мамлакатимизда ҳукм сураётгани, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда қўлга киритаётган катта ютуқларимиз, риққимиз



бутлиги, дастурхонимиз тўқинлиги, бугунимиздан маъно топиб, келажагимизга ишонч билан боқаётганимиз истиқлолимиз тўғрисида эмасми? Ахир, қайси мамлакатда ўғил-қизларнинг соғлом бўлиб улғайиши, замонавий таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб қамол топиши, истеъдоду салоҳиятини намоён этиши учун биздагидек улкан эътибор кўрсатилади? Қайси мамлакатда ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун давлат раҳбари томонидан улкан имкониятлар, қўлайликлар яратилди? Қайси мамлакатда кексаю-ёш бизнинг жонажон Ватанимизда кадр топгандек эъозланади?

Яқинда Фаргона шаҳрида мамлакатимиз олий ўқув юртлири талабаларининг «Универсиада – 2016» республика спорт йиллари ўтказилди. Ана шу мусобақаларда қатнашган ёшларга қараб онам айтган эртақлардаги алпкелбат ботирилари зехни ўтқир оқилларини кўрдим.

Бугун фарзандларимиз бизга ўхшаб жон келишини интиқлик билан қўтиб ўтирмайди, қорни тўқ, усти бут, уйкусуда ҳаловат бор, уларнинг шўх-шодон қулдаги хонадонларимизни тўлдирди. Мурод-мақсадиимиз, эзгу орзуларимизга етиб ҳаёт кечираяпмиз. Ана шунинг ўзи катта бахт!

Онам энди невараларига эртақ айтиб беради. Бу эртақлар тун қўйидаги орзу-умидлар ҳақида эмас, бахту қувонч ҳақида, эркин ва озод замонда саодатли ҳаёт кечираётган одамларнинг эртанги қунига, келажагига қатъий ишончи ҳақида.

Б.АЙТМУХАММДОВ 1986 йили Қорақалпоғистон Республикасида туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таҳсил олган. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида фаолият юритиб келмоқда. Ҳикоялари вақтли матбуотларда чоп этилган.

Ойгул СУЮНДИКОВА

МАРЖУНКОР ОЛАМ



АМИР ТЕМУР ХИЁБОНИ

Хиёбонлар кўрки асим Тошкентнинг — Кўркем, салобатли, ажиб, бетакрор. Бағрикенг, ҳавоси муаттар кентнинг ўртасида сўлим бир хиёбон бор.

Ўтиб бораёпман вазмин ва ўйчан, Озода йўлақлар бўйлаб эрталаб. Анвойи гулларда гуриллар гулхан, Қушлар чуғурлайди тонгни эркалаб.

Асрлар садоси жаранглаб турар Ҳар лаҳза, ҳар қадам — гурур туйғуси. Ям-яшил дарахтлар олис ўй сураб, Бу улкан шаҳарнинг келмас уйқуси.

Хиёбонда тинмай қарх уради Вақт, Айланади бутун шиддатли, ёрқин. Юрагимда тиниқ оқаётган бахт Дарёси муаззам, тўлқини — ёлқин.

Тарих китобини биталиб сурур, Давр шамоллари оташин, янроқ. Шавкатли юртимга шон Амир Темур Ҳар битта авлодга беради сабоқ.

Қуёш нурларида лаҳзалар зарҳал, Энг майин саболар келар саломга. Таъзим келтираман кўрганда ҳар гал Келажакка боққан азиз бобомга!

КИТОБ ҲАВАСИ

Дунёда нима кўп — мўъжизалар кўп, Эҳтимол, ҳар лаҳза тугилар, кезар Ойдин кечаларда юлдуздай тўп-тўп, Орзуларим безар, умиддан сизар.

«Менга китоб беринг!» — кўзинг чарақлаб, Бир денгиз кўринди тубсиз, бекадар. Унга тикилганим сайин ярақлаб Кетаётган осмон яқин нақадар!

Сен — меннинг мўъжизам, дунёлардан кенг, Балким шундайлигинг билмасан ҳали. Ҳайратин илғадим, умрларга тенг, Китобни кўксингга босган маҳалинг...

«Китоб — бу мўъжиза!» — деб ёзган бола Дунёнинг қайсидир бурчида эмас, Ёнимда турибди, сўзи шалола, Бағримга урилар энг тиниқ нафас.

Тонг билан бошида тургим келади Уфқда туташиб кетган даланинг. Ҳар куни, ҳар куни кўргим келади «Менга китоб беринг!» — деган болани.

Китоблар тутқазсам, токи уларнинг Саноғи бўлмаса юлдузлар каби. Ҳаволи, қуёшли, соғи туйғуларнинг Адоғи кўринмас, беғубор қалбинг.

Ҳаётни сен ажиб ҳаяжонга сол Борлиқни — ҳар битта фасл оралаб. Энди китоб билан бир умрга қол, Жаҳон айвонида гуллар саралаб.

Сен кетиб борасан қадами шитоб, Эй, китоб ушлаган мўъжиза болам! Асли биз кўргандан улканроқ офтоб, Асли биз билгандан мафтункор олам.

Сени болаликнинг гулгун даврида Йўлига бошлади шундай ёруғ нур. Сен десам — айтмоқнинг айна мавриди, Дунёни кўтарган бола кўринур!..

МАНЗАРА

Тикиламан кўкка бепоеъ, Ёйилади шом ҳиди майин. Кипригимга саболар шоён Кўниб ўтар бир зум атайин.

Очилади оқ гулдай булут Ё кемадай сузар ҳавода. Сехрлайди ложувард сукот Мени шундай улкан дунёда.

Эрта тонгдан суварда зилол Тиниб-тинмас лаҳзалар саси. Товланади гўзал, бетимсол Мен тугилган фасл шуъласи!..

Қуёш ботар, кенглик, уфқлар Ловуллаиди оловли ранглар. Ёлга тушган азиз кўшқилар Борлигингда, руҳда жаранглар.

Тугамайди бу ашулалар Умрим бўйи кўнглимга маҳбуб. Ой нурида очилар дафтар, Йўллаяпман шамолга мактуб...

О.СҮЮНДИКОВА 1957 йили туғилган. Москвадаги Адабиёт институтини тугатган. «Уфқлар ёнганда», «Умр куйлари», «Этиқод», «Мен тугилган юрт» сингари қатор шеърӣй ва таржима тўпламлари нашр этилган.

ЁЗУВЧИНИНГ ДАРДИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Яқинда адабиётшунос олим Сайфиддин Мелиев билан ёш қаламашлар ўртасида ўтказилган «Юрт келажак» танловиди иштирок этиши-мизга тўғри келиб қолди. Аксария-ти мактаб, лицей ва коллеж ўқув-чилари. Кўзлари чакнаб турган бо-лаларга қараб беихтиёр кўнглидан: «Биз буларнинг ёшида бу қадар журъатли, ўзимизга ишонадиган да-ражада эмасдик», деган ўй ўтди.

Қўлёзмалар билан таниша бош-ладик. Бир лицей ўқувчиси ўзининг машқларини рус ва инглиз тили-ларига ҳам таржима қилиб келибди. Ўзи. Тап-тайёр зулписонайн ижод-кор. Хитой тилини ўрганаётган, за-монавий ўзбек ёзувчилари асарла-ри ҳақида бир неча мақолалар чоп этишга ҳам улгурган яна бир қизимиз, коллеж талабаси би-лан эса бугунги Кун юрти адабиётни хусусида гурунглашдик, Мо Ян романининг ўзига ҳослиги борасида гаройиб мулоҳазаларини тингладик.

Талаба укамизнинг машқларини ўқиб завқлан-дик... Биз бундай қаламашларни ҳатто адабиёт-тимизнинг эртанги куни дейишга андак истиҳ-ола қилмас. Назаримизда, улар адабиётимиз-нинг, хусусан, насримизнинг бугунги куни ҳам. Зеро, улар юртимизда эркин ижод учун яратил-ган шарт-шароит, имкониятлар туфайли юзага қалқиб чиққан, айтиш ўқиб-изланадиган, қалам тебратадиган ёшдаги салоҳият соҳибларидир.

Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз, кейинги йилларда бадийи-билибга эҳтиёж кучайди. Қайси китоб дўконига кирманг, харидорлар би-лан гавжам. Аини пайтда китоб савиясига, сифа-тига нисбатан талаб ҳам ошди. Энди шунчаки кўнглини овлаш учунгина қалам тебратадиган бел-летрист-графоманлар даври ўтди. Харидор ки-тобни саралаб, таъбир жоиз бўлса, чертиб-чер-тиб таллаб олмакда. Шўқри, китоб бозори шун-дай талабга яраша тақлифлар билан тўлмоқда.

Бу, албатта, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган жараён эмас.

Куни кеча матбуотда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустиқили-гининг йигирма беш йиллик байрамига тайёр-гарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» ги қарори эълон қилинди. Қарорда, жумладан, шундай далолат келтириб ўтилган: «Мустиқил-лик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баро-бар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошган».

Яъни даромадга яраша буромад; ахир, бўш қо-п тик турмайди. Чўнтаги ақага тўлган, бугунги тинч-

фаровон ҳаётдан хотиржам, эртанги кўнига ишон-чи барқарор одам мутолаа учун вақт топади, ўзи учун, фарзандлари учун китоб сотиб олади.

Иқтисодий омилини четга суриб қўйишга шош-майлик. Икки йилча бўлиб қолди, шекилли,

«Science» деб аталган нуфузли жур-налда бир неча мақола чоп этилганди. Хуллас, Буюк Британия, АҚШ, Кана-да олимлари ўтказган қатор илмий тажрибаларда бир ҳақиқат аён бўла-ди. Яъни зўр бериб фақат пул то-пиш, оиласини боқиб ҳақида ўйла-ётган одамнинг IQ (intelligence quotient — ақлий ривожланиш коэф-фициенти, кенг маънода иқтидор, са-лоҳият, истеъдод даражаси) кўрсат-кичи камида 13 фозига пастга ту-шиб кетаркан. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бундай ҳол қоғитив қобили-

ятга салбий таъсир кўрсатаркан: одам изланиш, интилиш, тўғри қарор қабул қила билиш учун ўзида ақл ва куч топишга қийналаркан.

Бу натижа билан танишар эканмиз, буюк Эйн-штейннинг бир ўғити ёдга тушади: «Болаларин-гиз ақли бўлишини истайсизми? Уларга китоб беринг. Сиз уларнинг янада ақли бўлишини истайсизми? Унда янада кўпроқ китоб беринг...».

Зеро, одамнинг ўзини кашф этишида, ўзи-лини яратилишида, ҳайратларга ошно бўлишида, илҳомланишида, яратувчанликка қўл уришида Ада-биётнинг ўрни ва хизматини сўз билан таъриф-лаб бўлмайди. Асл Адабиёт инсонни руҳан то-зартариши, маъна юксалтириши билан бир қаторда ижодкорликка ундаши, рағбатлантириши, чорлаши, илоҳий илҳом онларига ҳамдам этиши билан ҳам қадри. Замондошимиз Сажар Назар бу нуқтаи назарни ўта мухтасар тарзда ифода-лайди: «Бадийи адабиётсиз зўр физик, матема-тик, кимёгар, доктор бўлиш мумкин, аммо бу со-ҳаларнинг даҳросига айланиш имконсиз, деб ўйлай-ман». Илло, шоир айтганидай, элимизда истеъ-додлар мўл, бизга энди даҳолар керак. Даҳолик-нинг йўли эса Адабиёт орқали ўтади...

Асл ёзувчилар ҳақида гапирган мутафаккир-лардан бири улар шифокорлар эмас, дардинг ўзидир, деган экан. Дарҳақиқат, шундай. Дилда дарди бўлмаган ижодкор сардафтарини кав-ламайди. Аммо бу қандай дард? Бу саволнинг энг одил жавоби «Адабиётга эътибор» — маъ-навиятга, келажакка эътибор» асарида келти-риб ўтилган: «Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду ғами билан яшаши, ҳалқ ичига қириб бориши, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини барчамиз яхши биламиз».

Абдуқамом Йўлдош

Оқ «Нексия» кўприкдан ўтиб тўхтади. Олд эшик охиригача очилиб, қисирлаб кет-ди. У хўрсинди-да, икки қўлида рулни чан-галлаб, устига жағини тиради. — Илтимос сиздан, — ёлворди ортида ўти-рган аёл. Ҳамма нарсадан тўйган одамдек ти-пирчиларкан, унинг ўнг елкасига кафтини босди. — Ажрашайлик! Балки ашинда...

У силтаниб машинадан тушди-да, эшикни шарақлатиб ёпди. Зардали «уф» тортиб, қўлларини шимининг чўнтақларига тикди, у ён-бу ёнга бетоқат аланглади.

Аёл ҳам машинадан тушди. Унинг «Узоққа кетиб қолманг!» — деганига жавобан, «Сиз-дан ҳам муҳимроқ ишим бор» қабилида қўл силтаб, гувиллаб ўтаётган машиналарга ён бера-бера йўлнинг нариги бетига гойиб бўлди.

Унга шу керак эди: аини дамда хотинини кўрмаса бас. Ақс ҳолда, қаттиқ тегиб қўяди. Нариди ёлғиз тол кўринди. Сув ёқалаб у томон юрди.

Дала йўли. Уловларнинг гилдираклари изи қиртишланган ўт-ўландан ажралиб, оқиш-сар-ғиш товланади. Бир тараф гўза. Толдан ўтароқ бир нечта бола иргилилаб, бақир-чақир ила мол-қўйларини ҳайдаб бормоқда.

Толга етди: танаси ҳали дағаллашмаган, ёш экан. Новдалари ён-верини сув эпкинни аралаш елпийди.

Ўнг қафтида беихтиёр толни силаб, ёнига — ажриққа чўқди. Қўлларини тиззалари узра

Наби ЖАЛОЛИДДИН

ОФТОБ ИСЛИ БОЛА

қовуштирди. Жағини тиради. Қуёшнинг аёв-сиз онлари эмасми, машинада димиққанди. Остидаги ўт-ўлан, устидаги новдалар, сув салқини танига ҳаловат бағишлади.

Сувга тикилди. Анҳор катта эди. Суви лим-лим, тўлқинла-ниб оқди, устига-устак, шитоб.

Умрни оқар сувга ўхшатишди. Рост, ше-килли. Ҳозир шундоқ шўнғийману оқаман-кетаман. Аммо ажрашмайман. Ахир, уни севаман!.. Ўнг кўзининг че-тида бир томчи ёш айланди. Нима қилай?! Худо бор-ку, ноумид қилмас... Иккинчи то-мчи сизди.

— Ассаломалейким, тоға (Андижонда бего-на ўрта яшар эркакни «тоға», ёши улугини «бува», дейишади. Қариндош тоғалар ҳам бор).

Чўчиб тушди. Ўнг ёнига қайрилди.

— Ийглаяпсизми?

— Йўғ-а!.. — Шошиб кўзларини артиш ас-носида юзига сув урди.

Энига қулранг шорт, ўнгиган майка кий-ган, офтоб тафтида «пишган» танаси тупроқ тусли ўн ёшлар чамасидаги болакай чап қўлида толни тутиб, ҳадеб сув остига мўра-ларди.

— Балиғимни кўрқитиб юборманг, ишқи-либ... — деди ўнг қўлида шортини қорни ара-лаш кўтариб қўяркан.

Тол остидаги мол-қўй ёки одамлар қиртиш-лаб ташлаган «бошсиз» буталар қиртининг бол-дирини тирнади.

— Қанақа балиқ? — У юзини артиб, қайта-қайта бурнини тортиди. — Мен... Мен...

— Ҳали чиқмабди... — Бола чап қўлида «қор-ни»ни тутиб, тол билан унинг ўртасига қис-либрок ўтирди. Кўйимичга нимадир ботди — буга шекилли. — Ҳали кўрасиз.

Анҳор суви гўё кўтарилди, оқим, ваҳм зиё-далашди.

Юрак уриши тезлашиб, болага ҳадиксираб бокди: «Бола-а!»

— Нимага бунақа ўтирибсиз?

Довдирлади.

— Билмадим...

— Мен мол боқяпман. Ҳар куни шу ерда боқаман.

У бола қараган тарафга ўғирилди. Сигир билан бузоқча ёнида қўнғирроқ буқача тиш-ланавериб ерга ёпишиб кетган ўтларни мен-симагандай гоҳо искаб, гоҳо тишида чимдиб-нетиб боради.

Ўзига келди. Ўрнидан қўзғалиб, елкалари-ни силтади.

— Боллар ўтиб кетди-ку?... — деди гап то-полмагандай тили калдираб.

— Мен улардан бошқаман! — Бола бўйни-ни чўзиб, толнинг илдизаларини ювган сув тубига бокди. — Улар бошқа!

У чўчиб кетди: ранжитиб қўйдим, шекилли.

— Май... Майли-да... — Болага зимдан са-расоф солди: юзи оқиш-қўнғир — лойқаранг. Қоши, сочлари, ҳатто лаблари ҳам уйқаш. — Балиғингиз қани?

Бола «ҳозир» деди-да, яна толни тутиб, сув остига бўйлади.

— Ана, қикибди, — деди қўли билан ишора қилиб. Юзида мамнунлик — беғубор табассум балқиди. — Мени танийди-да!

У бўйинини чўзиб, бола кўрсатган жойга диққат билан тикилди. Кўзига ҳеч нарса или-навермади.

— Кўрмайпсизми-ей... — Бола кўрсаткич бармоғини сувга теккизгудай бўлди. — Ана-ана!..

Кўрди: бир қаричча келадиган балиқ тол-нинг майда томирлари орасида оқимга қарши сузгандай қанот думини лиқиллатиб, билтанглайди. Аммо ўрнидан жилмасди.

— Қойил! — деди у болани мақтагандай. — Уяси шу ерда бўлса керак-да.

— Билмадим. Лекин қачон келсам кўрина-ди. Базида рақсга тушиб беради. — Қайтиб жойига ўтирди.

— Йўғ-ей!.. — У боланинг тинмай гапир-и-шини истаб борарди.

— Балиқларга маза-да — сузишнинг ўрга-нишмайди, чўкиб ҳам кетишмайди!.. — Бола майкаси ичидан иккита кичкинагина бўзарган олма чиқариб, бирини узатди. — Ейсизми?

Олмани олди. Бола «қирс» этказиб тишла-ди. Унинг оғзи сувланди. Олмани ювса ёки артиб-нетса, болакай ранжиб қоладигандай шундайича оғзига солди. Тишладию, кўзлари-гача ачишиб кетди. Буни сездирмасликка ури-ниб, кўзини қисиб жилмайди.

— Зўракан!

— Маза-да...

У гўза томон ўтиб бораётган молларга имо қилди.

— Молларингиз гўзага тушиб кетмайдими?

Бола қайрилиб,

— Тушмайди, — деди ишонч билан ва икки бармо-ғини тилига босиб, хуштак чалди.

Моллар ортига қайтишди.

У энди болага ростмана қойил қолди, ҳатто хуштакдан қулоғи чиқиллаб кетганига ҳам парво қилмай, деди:

— Ўргатилган экан-да, а?

Бола индамай олма ямлай-верди.

Жим қолишди. Аммо Унинг гаплашгиси келарди.

— Ҳа, тилла топдим, хотин, тилла! — Маши-нани ўт олдириб, ортига қайрилди. Хотинига меҳрли тикилди. — Ажрашмаймиз!.. Энди ҳеч қачон ажрашмаймиз, билдингми!.. — дедию газни босди...

Оқ «Нексия» кўприкдан ўтиб тўхтади. Эшик-ни очди. Хотини жавради:

— Тагин нимага тўхтадингиз? Шундай ис-сикда...

— Ҳозир келаман... — У машинадан тушиб, мол-қўйларни шовқин-сурон билан ҳайдаб бораётган уч-тўрт қора-кура болага эргашди.

— Узоққа кетманг, хой!.. — ялинди хотини.

— Бизни иссиққа қолдириб.

У болани қидирадди. Лекин болаларнинг биронтаси, ҳатто шорт ва майка кийганлари

ҳам унга ўхшамасди. Сўрай деса, исмини билмайди. Бу орада толга яқинлашди. «Май-ли, бирпас салқинлайман. Балки келиб қолар! Ахир, у бу-лардан бошқача эди-ку. Орқ-ароқда юрармиди?»

Негадир болаларнинг овози пасайиб, шивир-шивир, ви-сир-висирга айланди. Қадам-лари эса тезлашди: тол олди-дан шитоброқ ўтиб кетишни истаётгандек туюлди.

Унинг диққати ошди: нима гап?..

Тол остида — аввал У ўти-рган жойда елкалари бўртган, дўппили боши эгик эркак кўринди.

Толни қўриб, юраги ҳаприқ-ди. Яқинлашди. Халақит бериш-ни истамаса-да, тилидан беих-тиёр салом учди. Кафти эса, тол танасида.

Дўппили чўчиб тушди. Қўлларида кўзлари-ни артиб, шошиб қўзғолди.

— Ваалайкум ассалом, келинг!..

Уни туришга қўймай, елкасидан босиб, сўрашди. Сўл ёнига чўқди.

— Шу ерда бир ўтиргандим, — деди ни-гоҳи лим-лим оқаётган сувда қотиб. — Сал-қинлагим келди!.. — Юрагидagi ваҳмини яши-ришга уринди.

Дўппили «ҳмм, ҳмм» каби товушлар чиқар-дию у ён-бу ён безовта қимирлади, бироқ бирон сўз айтмади, айтолмади. Кўзлари мунғ-ли, бақувват жуссаси сувга сингиб бораёт-гандек эди.

— Тинчликми, ака? — деди У «келмасам ҳам бўларкан» янглиғ надоматда.

Дўппилининг елкалари силтанди, бағри кўпчиди.

— Узр!.. — Кўзларидан дувва ёш оқди. — Узр, ука! Мен... Мен бу жойни!.. Боламни бе-риб қўйдим! Умиджонимни бериб қўйдим, ука!.. Мен... Мен... Билмадим!.. Аммо...

Унинг қўкси музлади. Дўппилига сарасоф солди: юз-қўзи танишдек. Қалби ёмон гап эшитишни истамасди.

— Ўзингизни босинг, ака! — дея олди аранг ўнг қўлини дўппилининг елкасига қўйиб. «Умиджон», «ўғлим», деган сўзлардан юраги безовта ура бошлади.

— Неча марта айтди!.. — Ҳамроҳи хўнграб йиғлаб юборди. — Ўғлим шўрлик «Сузишни ўргатинг», деб неча марта айтди-я!.. Мен кўр!.. Мен ношўд!.. Мен аблаҳ!.. Қулоқ солмабман-а!.. Сузишни ўрганаман, деган шекилли-да... Сувга шўнғиған... Ҳеч ким йўқ. Моллари ўтлаб юраверган... Жасадини ҳов тўғондан топдик... Эй, Худо!.. Ёлғиз ўғлим эди-я!.. Ёлғизим неча марта айтди-я!.. Мен!.. Мен!.. — Отанинг бўзлаши қошида сувнинг ваҳми ҳечдек эди.

У ҳам йиғларди. Йиғларкан, донишманд болакайнинг ёқими чехраси қўз олдида гав-даланиб, димоғига офтоб иси урилди. Аммо нима дейишни, ота бечорани не деб овутиш-ни билмасди...

Бирдан шуури тиниқлашди. Дарвоқе, балиқ! Ўрнидан туриб, сув остига тикилди. Ахир, балиқ!.. Ҳарчанд тикилмасин, балиқ кўринма-ди. Фақат майда томирлар билтангларди. Хаф-саласи пир бўлиб, қаддини тиклади.

— Манов ерда бир балиқ бор, ака, — деди «гап йўғида гап» қабилида. — Мабодо ўғлин-гизни кўргингиз келса...

— Қани-қани?! Бу ерга ҳар куни келаман, ука, ҳар куни! Қани аши балиқ?!.. — Ота сап-чиб, ўзини сувга отгудай бўлди.

У юраги зир титраб, сув остига умидвор тикилди: хиёл катталашган балиқнинг дум ва қанотлари билтангларди.

— Ана!.. Гоҳо рақсга бола тушиб беради!.. — дедию катта йўл томон юрди. Юз-қўзини ёш ювар, бутун вужуди ёшга айланиб бораётган-дек эди...

Машина ортидан хотинининг овози келди:

Истиқлол даври шеърлятида ҳиссий тафаккур ҳаётни, воқелик жараёнларини, инсон феъл-атворини англаш, тушунтириш борасида алоҳида тамойил сифатида кўзга ташланаётир. Ҳис-туйғу, кечинма асосига қурилган тафаккур маданияти — юксак интеллектуал поэтик образ табиатини ҳам белгилаб бераётир. Бу борада ҳассос шоира Ҳалима Аҳмедованин ижодий изланишлари, бадий-эстетик тажрибаси фикр юритиш учун кенг имкониятлар беради. Шоиранинг “Шафақ ибодати”, “Нигоҳ қибласи” мажмуалари янги сўз ва теран мазмун кашфиёти бўлиб бўй кўрсатди.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Ҳалима Аҳмедова лирикасидаги бадий-эстетик тафаккур янгилиниши идрок ва ифода принципларида намоён бўлмоқда. Хусусан, шоира лирик қаҳрамони кўнгил нигоҳи билан атроф-теварага кечаётган воқеликка, одамлар феъл-атворига назар ташлайди, уларни баҳолайди. Яъни, маънавий-ахлоқий қадриятларни кўриш, англаш, моҳиятини тушунтириш унинг шеърларида ус-тувор.

Тун сунди юрагимнинг деворларига,
Кўзларида ёнди ногоҳ мен англамас сир.
Қоп-қора дев панжасидан қолган одамдай,
Не учтидир ўз жонимдан олдим хавотир.

Шеър ишқнинг кўнгилга сингиши, униши жараёнларини жонлантиришга бағишланган. Юрагида ғимирлаган номсиз хавотирдан лирик қаҳрамон ҳадиксирайди. Бунинг боиси бор. Негаки, шамол чириётган олма бўйини таратаётир, чириётган олма фарёди — Яратган меҳридан мосуво дилларга ишора. Лирик қаҳрамон жони сайёд кўлидаги занжирбанд оху сингари типирчиланишнинг боиси шундан: болалигида кўнгилга экилган ишқнинг авжланмагани, дарё монанд мавжланмаганидан; лирик қаҳрамон кўнгилдаги ишқ алангасини кўз-кўз қилгиси йўқ. Борлиқ ва йўқлик оралиғидаги бу қаҳрамонда биргина таскин бор: “О, ишқ менинг борлигимдан ҳануз беҳабар”.

Асар шоирлар одам тайнати ва табиятини, воқелик хоссаларини қандай кўрса шу тахлитда жонлантиришга мойил. Ҳалима Аҳмедованин бадий идрок ва эстетик ифода принциплари эса бошқача. Чунки, шоира шеърларида теран фикр туйғулар замиридан сизиб чиқади. Унинг жозиба кучи шундаки, туйғулар ҳақиқатининг фалсафий маъноларини, фикрга чўмган кечинмаларни суратлантиради. Яъни, мазмун рамалар тилига кўчади. “Тун сунди юрагимнинг деворларига” шеърда кузатилгандек, чириётган олма фарёди — бу ишқсиз, маъносиз кечган тириклик тўлғоғи. Хазон — қайталанмас ям-яшил боғлар тароватини излаб тупроқ билан бекинмачок ўйнайди. Дарё — ҳамиша уйғоқ, мусаффо тириклик. Ишқ — Яратганга, ёруғликка, ҳаётга бўлган меҳр билан вобаста. Дарёларнинг тоза оҳанглари тириклик нақшига айланган бедор ишқ васфидир, аслида.

Шоира шеърларида инсон ботини, сийратининг сирлари, руҳоний дунёси эврилишлари таҳлил қилинади. Бадий тадқи-

қотчилиқнинг табиати шундан иборатки, қалбни ўрганиш — Ҳақ ишқини билишдан, ҳақиқатни англашдан, туйғулар тарихини акслантиришдан иборат. Лирик қаҳрамон гумроҳлиқни энг катта гуноҳ санайди; маънавий қашшоқлиқнинг бош белгиси “бе-худа айш-ишрат, ёлғончи бахтдан” сармастлиқдир. Ҳақ ишқидан мосуво кўнгилни “оч қолган”, “синган қалб” дея баҳолайди. Ва лекин, ҳали вақт бор, зеро мавлоно Жалолиддин Румий таъкидлагандек, “Май ич, тавба қилсанг Худо кечиради... аммо инсон кўнгилга озор бермаки, бу гуноҳингни асло кечирмайди”.

Шоиранинг лирик қаҳрамони кўнгилни

РУҲИЯТ ИҚЛИМЛАРИ

ишқ ила шуълалантириш, гумроҳликдан фориғ бўлиш шарт тавбага таянишдир, деб билади. Бу эса бир ҳўплам сувни симиргандек осон эмас (“Навиҳол қабрлар бошида ўсган Армон гулларининг япроғин ўқинг. Чорасиз ғарибнинг юрагидан Маҳшарни эслатган титроғин ўқинг”).

Ҳақиқат — энг улғу маснад. Яратганнинг назари адолатнинг жилавасидир. Унинг илк қутлуг самараси кўнгилларни поклашдан иборат, яъни гумроҳликдан халос этиб, ишқни қалбга экади. Турфа ташвишлар таъсирида губор кўнган кўнгилларни то-зартиради. Бу — мудраган, пинакка кетган виждонни уйғотиш демакдир. Тавба-истигфор киши ботинидаги руҳоний ҳақиқатни тиклашга хизмат қилади. Эзгуликнинг эса, асло кечи йўқ.

Ташна руҳингиз-ла эмаклар бординг,
Ўзун томирингиз гулдаган хоринг.
Дилин ошқ айланг, девона айланг —
Оташ нафасида Ягона ёринг.

Илло, шукроналик ишқнинг бир кўриниши экан, муҳаббат ва эътиқодни англатиш, аввало, кишининг ўзини таниб олишдан бошланади.

Лирик қаҳрамон сим-сим порлаган сароблар орасидан тизгинсиз, исиз ўтиб бораркан, “бахтсиз дунёдан бахт ахтараман, то ҳануз билмайман излаганим ким” деса-да, аслида у Ўзидан ўзини — кўнгилни ах-тараётир. Узилиб тушаётган баргдек тит-

раган ям-яшил қалбда туйқусдан бир жил-ва жонланади: “Бобом каби пичирларди меҳрибон Раббий. Унинг таъми ширин эди, жуда ҳам Бобом менга берган оппоқ парварда каби”. Ҳақ шивирдай нозик кўнглида ҳақиқат чечаги куртак тугади: “Кўнглим даракларнинг кўнгли билан дўст. Баъзан самолардан ичиб келар нур. Унинг ҳақиқатга ошиқлигини эслатиб туради ҳаёт курмагур”. Кўнглида Ҳақ-ҳақиқат бўй кўрсатгани боисидан ҳам у “Кўнглимни жуда ҳам яхши кўраман”, дейди.

Шуниси жозибки, шоира шеърларида ишқ эзгулик, адолат, гўзалликнинг ям-яшил яшноқ тимсоли сифатида талқин қилинади. Улар борлиқ ва йўқлик оралиғидаги ҳаётнинг ёруғлигини, кўнгиллардаги нурзиёнинг пойдорлигини таъминлаб келаётган маънавий-ахлоқий қадриятлар энагасидир. Ва лекин, таажжубки, лирик қаҳрамон кўнглига дард-алам озор беради. Боиси, маънавий қашшоқликка унинг тоқати йўқ: “Пардоз-андози зўр ёлғон сўзларни, Икки дунёда ҳам олмайман тан. Келиша олмасам нима қилайин Бедаво капалак кўнгиллар билан”. Қўнимсиз кўнгиллар, ёлғонга, макр-риёга ошно тутинган диллар, “Бойлигу молу дунё” деб ўзидан адашганлар, “Хас ташлаб Ватаниннинг кўзига. Ганимининг тўрига лақа тушганлар” иллатларни бола-латади, холос. Улар миллатнинг маънавий-ахлоқий маданиятига раҳна солувчи иллатлардир. Лирик қаҳрамон қалбда маънавий қашшоқликка қарши қарх кучли. Дардқашлик руҳи шоира шеърларида бадийнинг муҳим хусусиятларидан бири сифатида бўй кўрсатади.

Лирик қаҳрамони дард-аламни яхши кўради десак, Ҳалима Аҳмедова шеърларидаги кечинмалар ҳақиқатини, ҳақ ишқи орқали намоён бўлаётган туйғулар табиатини бир ёқлама англаган бўлаемиз. Аксинча, кўнглида дарду ишқи йўқ бандадан ҳар қанча иллату қусурларни кутиш мумкин. Боиси, бундай кимсага хос майлларни ишқ эмас, ҳою ҳаваслар, дабдабаю асасалар бошқаради. Ўзини билмаганлар, қалбини танимаганлар Яратганга ҳам бегонадир. Лирик қаҳрамон фасллар қаъридан отилиб чиқаркан, “Бахтни кўрсат деди ичдаги ғам”.

Лирик қаҳрамонни ҳаётга қайтарган куч Кўёш тимсолида елкасини тутди; у сун-ни қаддини, ўзини, ўзлигини ростлайди.

Сўз сатрларга тизилиб, шеърга айланар экан инсон кўнглидаги Ҳақ ишқини суратлантириш бош муддаодир. Шундагина сўзлар кўнгил ганжи, дил жавҳарининг рамизи бўлиб ҳикмат касб этаркан. Ҳалима Аҳмедова лирикасининг бадий нафосати, эстетик таъсир салоҳияти, фалсафий сажия-қудрати башарий қадриятлар қадри-ни ёритишга, улғулашга эришгани билан белгиланади.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Адабий жараён

НОЗИК ИФОДАЛАР

Ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларида шеър шинавандалари таъби ўзаро яқин бўлиб, публицистик усулдаги назмга майл кўчироқ эди, ўткир ижтимоий маънога эга шеърлар кўнгилларда нишқиб уйғотарди. Мустабид тузум қулаганидан сўнг эстетик дунёнинг озодлиги, дахлсизлиги воқеликка кўчди.

Истиқлол даври ўзбек шеърлятида бугун изчил давом этаётган янгилиниш, ўзгариш жараёни айнан ижод эркинлиги билан боғлиқлиги барчамизга аён. Бу ўсиш-ўзгаришлар истеъдодли шоирларимизнинг аънавий усуллардаги ажойиб ижод намуналари қадим адабий тажрибаларга дотир қўл ураётган, ҳис-туйғуларни ўзига хос тарзда ифодалашга интилаётган шоирлар ижодида ҳам кўзга ташланаётир.

Чунки, Шермурод Субҳон ҳам ана ўша ўзгаришлар жараёнида кўзга кўриниб қолди. Унинг шеърларида ундову сўроқларни, тиниш белгиларини кўрмаймиз; парча-парча битиклар матн руҳи яқралиги боис боғланади. Муҳим жиҳат шундаки, шоир бетақдорлик- (оригиналлик)ка интилади ва унинг бу интилиши табиий зайлда рўй беради.

Модерн шеърят танқидчилари гоҳо бу усулда қалам тебратётган ижодкорларни мумтоз адабиётдан узилишда айбла-ди. Лекин матнга жиддий ёндо-шиш жараёнида аён бўладиган, руҳ муштараклиги шакллари ошиб ўтаверар экан. Шермуроднинг «Фақат сиз учун» туркуми-

га кирган ўттизта учлигидаги лирик қаҳрамон муножаатида айнан шу руҳни илғаймиз. Гоҳо сўз бирикмалари мумтоз на-зми эслатиб юборади:

гулим
лайли ширин не дейин
сиздан ўзар сулув йўқ

Ш.Субҳон битикларида «кўёш», «ой», «соя», «гул», «тонг», «тун» образлари кўп иштирок этади. Бу образлар чуқур идрок этилганидан моҳият англа-ди. Худди шу усулни япон мум-тоз шеърлятига мансуб хайку-ларда кўрган эдик. Хайку тури ҳозирги замон жаҳон шеър-лятида ҳам ўзгача рангда мароми-га етказилмоқда. Дейлик, аме-рикалик шоир Жене Доти кала-мига мансуб шундай нафис хай-ку бор:

гўдақликдан дарак бойўғил
қорли қарағайларда нилар
шамол яхга тўлар лиммо-лим

Хайкуда акс этган руҳ шоир-нинг япон мумтоз шеърлятини пухта ўрганганини англатади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ш.Субҳон учликларида ҳам япон мумтоз шеърляти таъсири мав-жуд, дейишга ҳақимиз. Шоир-

нинг «Истак», «Олқиш», «Ойна», «Қор», «Тун», «Гўзаллик ифода-си», «Ой таърифи», «Гўзалсиз» сарлаҳали шеърларида ўша таъсирни илғаш мумкин. Бино-барин, шоир Шарқнинг қадимий шеърляти билан Европа модерн шеърлятини уйғуллаштириб ти-лимиз имкониятлари беҳад кенглигини намоён этади. Чу-нончи, қуйдаги учлик орасига сўз яширишдек чиройли усул-лардан самарали фойдаланган:

хаёлга чўмдиган
чўмгандек СУВга
офарин ПАРИМ

Мазкур матнда «СУВ ПАРИМ» атамаси яширинган. Парининг хаёлга чўмиши доимийлиги сўз ўйини воситасида англатилади. Бундай олганда, у — хаёл па-ри-си; ҳамиша хаёл суради ва ха-ёлда яшайди.

Биз насрдаги образлар ҳақида кўп гапирамиз-у шеър-лятдаги образларга у қадар эътибор қаратмаймиз. Хусусан, аънавий шеърлятга кўнжкан ўқувчилар бу турдаги шеърлар-ни «шариллатиб» ўқиши ва жўн деб ўйлаши мумкин. Хос шеър-хон эса ҳар битта образни ҳеч эринмай ақл чиғирмадан ўтка-заркан шеър таъсирини ҳис қилади, қаноатланади. Инчунун, образлар дунёсини талқин этмок мақсадга мувофиқ. Таъ-бир жоиз бўлса, Шермуроднинг шеърларида етакчи мавзу — гўзаллик тараннуми. Шоир на-зиди, инсон фаришталардан ҳам чиройлироқ: «сиз гўзалсиз / гўзал бўлганда ҳам қандоқ /

фаришта сизга ўхшар». Қаранг, сиз фариштага ўхшайсиз, дей-йилмапти. Фаришта сизга ўхшар. Талқинда англанадикки, аёл фариштагамас, балки фа-ришта аёлга ҳавас қилмоғи ке-рак. «Ой таърифи» шеърда аёл гўзаллиги бошқа жиҳатдан улғу-ланади:

сизни ой десамми ё
гулга ўхшатсамкиин

не тонгим бу тонг
сизни кўриб
шоир бўлаёдим

Муаллиф ортиқ даражада формализмга берилмапти. Воқелиқнинг биз кўрмаган қирра-ларини кўради; кўриш бароба-рида ифодани нозиклаштиради. Умуман олганда, Ш.Субҳон шеърлари идрокда ўрнашиш жиҳати боис ғаройиб. Зотан, ноънавий шеърларнинг акса-рияти эсимиздан тез чиқади. Шоирларимиз орасида фақат сарбаст вазнида шеър ёзади-ганлар оз. Сарбастчиларнинг аксарияти аруз, бармоқ вазни-да дурдона асарлар битганини биламиз. Шермурод Субҳон эса сарбаст вазнига содиқ қолмок-да ва бу вазнининг имкониятла-рини очмоқда.

Замонавий ўзбек шеърляти-нинг ҳали очилмаган уфқлари олдиндадир. Бу шеърят янги аср шоирлари изланиши, завқи, меҳнати эвазига жаҳонда ўз ўрнини топтоғига ишончимиз комил. Бизнинг вазифа эса ан-гилш жабҳаларида иштирок этмок, иштирок этарак Сўзга му-ҳаббат туйғуларини инжилмай туймоқдир.

Баҳром РЎЗИМУХАММАД

ОСТОНАДАГИ РАЙҲОН

Адабий давраларда орқа ўринларда, камсуқумгина бўлиб ўтиришидан унинг борлигини сезмасдик ҳам. Даврани бошқараётган киши диққатимизни унга қаратарди: «Мана, Тилакжон ўтирибди», «Тўғрими, Тилакжон»... Шунда барча ўгирилиб қарарди.

Мен шоирнинг номини мак-табда ўқиб юрган пайтларимда эшитган бўлсам-да, илк бор уни адабий йиғинларнинг бирида кўрганман. Кейин Келес шаҳри-даги китоб бўлинида учратиб, суҳбатдош бўлдим.

— Яхши китобни шаҳардан топмасак шу дўконга келамиз, — деганди у.

Ҳақиқатан, ўша пайтлар нашр этилган китоб адабий ҳодисадек эди. Китоб дўкон-лари ҳамиша гавжум, яхши асарлар талаш бўлиб кетарди. Ижодкорлар китобларини че-ка қишлоқ жойларидаги дўконлардан топишарди. Ти-лак аканинг «Райҳон», «Олам остонаси» номли шеърлар тўплами ҳам шундай китоблар сирасига ки-ради.

Эшитган ҳикматга киши ҳамиша ҳам амал қилавермайди. Ҳис этилган туйғу эса кишини ҳеч қачон ўзидан узоқлаштирмайди: “Кулим-сираб боқар ортимдан шудгор...”. Қандай ажойиб манзара. Трактор. Ағдарилган ер. Юм-шаб кетганидан сурурга тўлган тупроқ кулгу инган лаблардай таассурот уйғотади. Унга шундай кайфият улашгани учун тракторчининг ортидан кулимсираб қарайди. Тўғри, фақат туйғу, тимсол билан чегараланиш шоирни мо-ҳиятдан чалғитиши ҳам мумкин. Лекин Тилак Жўра шеърларида ифода билан туйғу эт би-лан тирноқдай.

Қизнинг сочи сочилар,
Аста эшик очилар.
Барг супулар келинчак,
Тебрангандек беланчак.
Кўзларни севинч кучар,
Умидлар баланд учар —
Бир гала чумчўқ каби,
Шоҳсупадан барг кўчар.

Табиий манзара чизилаяптими, демак, шоир бу орқали бошқа гап айтмоқчи:

Бармоқлари хиноли,
Кўллар хазон супулар.
Чолу кампир маъноли,
Аста кўз уриштирар.
Супуради келинчак,
Бир ҳовлининг хазонин.
Хазонмас, бир умрлик,
Чолу кампир армонин.

Жисмоний меҳнат қилаётганлар билан улар-

Илҳом АХРОР

ЙЎЛИНГИЗ ХАЙРЛИ БЎЛСИН

Ёш шоир Мансур Жумаевнинг шеърларини ўқиб

Мансурбек, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган шеърларингизни ўқиб, мулоҳазаларини айтишга қарор қилдим. Шеърларингиз менга маъқул бўлди.

«Китобсевар қиз» номли шеърингиз самимий. Ошиқ кофияда озгина сунъийлик бор: «оний» «Навойи»га тўла кофия эмас. «Олисдаги бола-лик» шеърингизнинг мақсади аниқ: болалик хаёллари, орзу-лари... Шеърдаги воқеа руҳий ҳолат билан йўғрилган. Аммо табиатда бир томчи сув ҳам мутлақо йўқ бўлиб кетмайди, балки ер қуррасини кезиб юради, дарёю денгизларга қўшилади, яна ҳавога кўтари-либ сувга, тоғда эса қорга ай-ланади. Учинчи шеърингиз ҳам воқеабанд, навқирон севги ҳақида. Шеърда батафсил ай-тимласа-да, буви сўзлаб бер-ган эртак қаҳрамони чўпон йи-гит ҳижрон машаққатини ен-гил, муродиға етади. Севади, севилади... Шеър оддий воқеа асосига қурилган. Янги шакл, янги ифода.

Хали макбуот юзини кўрма-ган шеърларингизни ҳам ўқидим. «Икром», «Метро», «Уч дона сўз», «Иймон», «Кўзларинг ҳақида баллада», «Савол» сар-лавҳали шеърлар ҳам дилга яқин. Қўлғемаларингиз билан

танишганимда, сизнинг инглиз, форс, турк, озарбойжон тилла-рини ҳам ўзлаштириб бораёт-ганингизни англадим. Бу фао-лиятингизни қўллаб-қувват-лайман.

Шеър нима ўзи, шоирлик-чи? Бу ҳақида икки огиз мас-лаҳат тариқасида фикримни билдирай. Кўпинча, «Шеър — кўнгил иши» деган гап кулоққа чалинади. Шундайми? Йўқ! Юракдан отилиб чиққан, ҳаёт ҳодисаларидан, яхшилик ва ёмонлик тўқнашувларидан, вафо ва жафо машаққатлари-дан тугилган ақл, кучли эhti-рос, ҳис-ҳаяжон сурати бўлган шеър — кўнгил ишимиз?

Шеър инсон тақдирига таъ-сир этувчи беқиёс куч! У ки-шини ҳам кулдириб, ҳам йи-гит, муродиға етади. Севади, севилади... Шеър оддий воқеа асосига қурилган. Янги шакл, янги ифода.

Шоирлик ҳақида. Ижодкор ҳаётда энг зукко, фаол инсон. Дунё ишларидан бохабар яшайдиган, халқ ичига бемалол

ни кузатаётганлар орасидаги фарқ шундоқ кўриниб туради. Шеърини санъат яратиб яшаётган ижодкорни атрофидагилардан ажратиб бўлмайди. Чунки уни деярли ҳеч ким кузатмайди. Ти-лак ака каби ижодкорлар оддий одамларнинг бири бўлиб яша-га одатланган, улардан ажралиб туришни истамайди. Адабий гу-рунларда сўз беришганда деяр-ли гапирмасди, шеър ўқиб қўя қоларди. Тўғри-да, шеър ёзиш имкони шоир учун ҳамиша мав-жуд. Лекин ижод намунасини кўпчиликлка етказишнинг ҳар доим ҳам иложи йўқ. Шундан-ми, Тилак ака шеър айтиш им-кони тугилганда, уни ваъзхон-лик қилиб соғурмасди. Шеър ўқийётганда овозида ясамалиқдан асар кўрин-мас, мухлислардан эътибор кутмаган гўзал бир ҳолатда бўларди:

Деразмдан боқиб тўлин ой,
Суратингни чизади, эркам.

Оташнафас шоир Ҳамид Олимжоннинг шеър ва достонлари Тилак Жўрани ҳам ҳаяжонга сол-ган. «Ҳамид Олимжон» шеърда шоирнинг чақ-моқдай умри тасвирланган шундай сатрлар бор:

Кенг яғринли тоғлар бағридан,
Илдиз отиб чакнади чакин...

Илк саҳарда титраган шабнам,
Жило олди чакин рангидан...

Юлдуз йўлин йўқотган тунда,
Яшин зулмат бағрини тилди...

Қўёш ва юлдуздан яралган олам,
Чакмоғини унутмас асло.

Бойлик — шухратпарастликни, шухратпараст-лик эса нафратлишни тарбиялайди, деб бе-жиз ёзмаган эди Шарқ мутафаккирларидан бири. Тилак ака ҳеч қачон шухратпарастлик остонаси-га яқинлашмаган. Чунки унда азиз оиласида бошқа бойлиги йўқ эди. У ҳеч кимдан нафрат-ланмади, чунки шухратталаб бўлолмади. Шух-ратпараст кимсаларга дуч келганда уларни ҳам ранжитмай ўтди. Талабни бировага эмас, ҳа-ми-ша ўзига қўйди. У ўзи яшаган даврнинг яхши-ёмон жиҳатини ҳис қилгани учун ҳам адабий йўлини тўғри ола билди.

кириб борадиган, сўзи ва кўзи ўткир кишилар. Бу борада ус-тоз Фафур Фулом, Ҳамид Олим-жон, Ойбек, Зулфия ижодий фаолияти ибрат.

Баркамол ижод учун шоир-лар ўртасидаги ўзаро ҳамкор-лик, самимийлик, талабчанлик, ижодий муносабат жуда муҳим. Шеърни кўр-кўрона, билиб-билмай танқид қилиш ножоиз бўлганидек, уни ошириб мақ-таш ҳам зарарлидир.

Ёш дўстим, ўзингизга хос шеърини услубингиз, танлаган йўлингиз, орзу-ниятларингиз бор. Сиз уч буюк туганмас булоқдан баҳрамандсиз. Бу мумтоз Шарқ шеърлятимиз, халқ оғзакчи ижоди ва янги давр илм-фани, маданият-маънавият сарчашмасидир. Яна шуни унутмангки, сиз Мустақиллик даври шоири-сиз. Таъкидлашни лозим то-паманки, сиз ёшларга мухта-рам Юртбошимиз «Адабиёт-га эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» номли асарига ёзганидек, эркин ижод жараёни учун қўлай им-кониятлар яратилган. Демак, муваффақият фақат ўқиш-ўрганишда, мавзу танлашда, оқу қорани ажратиб олишда. Ўзбек адабиёти энг бой ада-биёт. У дунё адабиётида му-носиб ўринга эга.

Йўлингиз хайрли бўлсин, ёш дўстим!

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

— **Муассархон, аввало, концерт муваффақиятли ўтгани билан табрикланган. Янглишмасам, юртимиз опера хонандаларидан фақат сиз алоҳида концерт дастури билан мухлислар олдида ҳисобот бериб турасиз. Энг сўнги яқка дастурингиз қачон бўлганди?**

— Бундан олдинги яккахон концертим 2012 йили бўлиб ўтган. Мана, бу йил яна опера санъати мухлислари билан юзма-юз учрашдим. Аввало, ушбу концертим муваффақиятимизнинг 25 йиллиги арафаси-

олдинги концертим билан бу йилгиси орасида тўрт йил фарқ бор. Аслида ҳам хонанда ҳар йили концерт бериши шарт эмас, деб ўйлайман. Чунки яқка концертнинг 60-70 фоизи, албатта, янги асарлардан иборат бўлиши керак. Ваҳоланки, бир йил ораллигида бундай янги репертуар қилиб бўлмайди. Яқши асар ҳар кун тугилавермайди.

— **Сир эмас, бугунги ўзбек опера санъатида ёшлар анча кучайиб қолди. Бир қатор ёш истеъодлар халқро таловлардан совриндор бўлиб қайтишпти. Назаримда,**

да биров мураккаб вазият вужудга келади. Биз истасак-истамасак, ҳақиқий ижро фақат оркестр билан қуйлаганда намоён бўлади. Шунингдек, "Ёшлик бахори"ни 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъод соҳиблари орасида ўтказсак, тўғрироқ бўлармиди... Чунки йигирма беш ёшдан ошганлар аллақачон иш фаолиятини бошлаган, илгари ҳам бу каби танловларда имкониятини синаб кўрган. Улар имкониятига қараб халқро танловларда қатнашгани маъқул. Албатта, ҳар қандай тадбирнинг йилдан-

аксинча ҳолатлар ҳам кузатилади. Шубҳасиз, бу мураккабга боғлиқ. Ҳар бир устоз шоғирдига овозидан тўғри фойдаланиш йўллари ўргатиши керак. Баъзилар опера айтиш учун баланд овознинг ўзи етарли, деб ўйлайди. Лекин бу жуда нотўғри фикр. Ҳамма ҳам бақирини биланди. Операда эса баланд нотани фақат бақирин билан олиб бўлмайди. Шунинг учун бўлажак хонандаларда, биринчи навбатда, санъаткорона дидни тарбиялашимиз керак. Шу ўринда яна бир нарсаси,

операси келажигини қандай тасаввур қиласиз?

— Президентимиз Қарорини ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Педагог бўлганим учун, миллий опера санъатимиз келажиги порлоқ бўлишини чин дилдан истаганим учун, қарорда, айниқса, ёшлар ҳақида айтилган фикрлар, уларга билдирилган ишонч эътиборимни тортди. Ушбу фикрларни агар опера санъатида тадбиқ этиладиган бўлса, уларнинг исботини халқро майдонларда эришадиган ёрқин ютуқлар мисолида кўришимиз мумкин. Бундан буёнги фақат эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай, совриндорларимиз чет эллардаги нуфузли опера театрлари билан ҳамкорлик шартномалари тузишлари, ёшлар, айниқса, ҳар бир муваффақиятини янги билан мустаҳкамлаб бориши керак. Ҳозир опера санъатимиз ютуқлари кам эмас, келажакда ундан ҳам юқори натижаларга эришимизга ишонаман. Ёшларнинг "Опера хонандаси бўламан", деб ўз оёғи билан ўқув даргоҳларига кириб келадигани шундан далolat бериб турибди. Улар орасида вилоятлардан келадиган иқтидорли ёшлар кўпчилигини айтмайсизми!

Етишиб келадиган профессионал кадрларга кенг йўл очилган. Халқимиз орасида "Едиге" дostonи айтилса, ёмғир ёғади, деган гап бор. Бу ҳақиқат. Илк бор 2008 йили болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчиларининг республика танловидан биринчи ўринни эгаллаганман.

Кўнгиротнинг кенг далаларида санъатга уйғонган меҳр-муҳаббат Саламатни Нукусга етаклади. Бу шаҳарда унинг янги кирралари очилди, имкониятлари кенгайди. Устозидан жиров санъати сирларини кунт билан ўрганган ёш истеъод 2011 йили Қорақалпоқ давлат университетига педагогика факультетига ўқишга қабул қилинди. Шундан буён халқро ва республикамиз микёсида ўтказилаётган танлов, фестивалларда юқори натижаларни кўрсатиб келадиган. 2011 йили Бўстон шахрида бўлиб ўтган "Нафосат бўстоним маним" аънавий кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллагани, 2012 йили Ўзбекистонда бўлиб ўтган фестивалнинг, шу йили республика ёшлар танловининг лауреати бўлгани, Бошқирдистоннинг Уфа шаҳрида "Урал моно-2012" халқро фестивалида юқори натижаларни кўлга киритгани бунинг далилидир.

— 2012 йили Венгриянинг Будапешт, Вугас, Балатон шаҳарларида бўлиб ўтган "Турон халқлари курултойи" фестивалида қатнашганимизда вен-

Гулчеҳра УМАРОВА
сўхбатлашди

ЁШ ЖИРОВЛАР САРДОРИ

Қўлида қўбизи билан «Алпомиш», «Едиге», «Шарар» дostonларини айтиб, эл-юртнинг дуосини олиб юрган бу йигитни қорақалпоқ ўлкасида яқши танишди. Ўлкада ўтадиган байрам ва тадбирларда Саламатнинг ўрни бўлақча.

— Ўқувчилик пайтларимда мусика дarsi бўладиган кўни байрамдек кутиб олардим, — дейди С.Аялов. — Ўқитувчимиз Турганбай Атамуратовнинг ўғитларидан ўзимга ишонч, умид уйғонарди. Ижодимни эстрада йўналишида бошлаганман. Нукус маданият ва санъат коллежидagi устозим, Қорақалпоқ халқ жирови Бакберген Сиримбетов овозимни тинглаб кўриб, жировликда ўзимни синаб кўришимни маслаҳат берди. Қўлимга қўбизни олган заҳоти юрагимда галати бир тугён бошланди, қандайдир куч мени ўзига сеҳрлаб олаётгандек туюлди. Биз халқ қаҳрамонларини, тарихий ва афсонавий дostonларни жирлаймиз. Эҳтимол, қўлаётганимда юрагимда тарих акс-садо



грияликлар миллий меросимизнинг ўзгачалигидан, айниқса, қўбиздан ҳайратга тушишди, — дейди Саламат ҳаяжон билан. — Қўлимдаги қўбиз уларни жуда қизиқтириб қолди, ҳатто уни чалишни ўргатишимни сўрашди. Миллий кийимларимизга бўлган қизи-

Истиқдол фарзандлари

қибни айтмайсизми! Саҳнага чиққанимизда бутун стадион бизни олқишлаб кутиб олди. Тилларимизни унчалик тушунмасак-да, лекин дил яқинлигини, санъат бизни ўзаро боғлаб турганини сездик.

Шундан сўнг ёш жиров 2013 йилги "Шарқ тароналари" IX халқро мусика фестивалида "Энг яқши миллийлик" номинацияси бўйича диплом билан тақдирланди, 2014 йили эса Туркменистон Республикасида бўлиб ўтган "Аваз" фестивалидан совриндор бўлиб қайтди.

Саламат Аялов фақат қўй-қўшқ билан чекланиб қолмасдан, китоб мутлаа қилишни яқши кўради, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг фаол аъзоси. Ҳаракат фаолиятига янги-янги фикрлари ва ташаббуслари билан ҳисса қўшиб туради. "Йигитга қирқ хунар ҳам оз" дегандек бўш вақт топгунча устaxonаси сари йўл олади. Эрта тонгда эса Саламатни спорт залидан топасиз.

Айни пайтда ёш жиров илмий изланиш билан банд. Жировлар шажарасини тузиш, шу соҳа ижодкорларининг келиб чиқиш тарихи, улар ижро этган дostonларнинг тўлиқ вариантини тайёрлаш устида иш олиб бормоқда.

Айжамал ЖОЛДСАБЕВА

Тадбир

та. Қашқадарё театрининг "Мукбул ва Мудбур" (режиссёр Ғайрат Ҳамроев) спектакли иккинчи, Андижон вилоя-



ҚЎГИРЧОҚЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

маданият институти нутқ маҳорати ўқитувчиси Венера Юсуповаларнинг томошалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари тингланди. Актёрлик маҳорати, сценарография, қўғирчоқлар ясаб бўйича ўтган фестивалларга нисбатан бу йил анча юқори савияга эришилгани таъкидланди.

Бухоро давлат қўғирчоқ театрининг "Широк афсонаси" спектакли

қўрик-танлов голиби бўлди. Шубҳасиз, бу ютукда режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шомурод Юсупов, рассом Завқиддин Ёдгоров, мусика танловчи Неймат Мухаммедовнинг, шунингдек, актёрлар С.Исомиддинов, П.Имомназаров, С.Сиддиқов, Е.Вардашева, А.Иброҳимова, З.Иброҳимов, З.Шукурова ва бошқа ижодкорларнинг хизмати кат-

тининг "Рўмолчадаги қиз" (режиссёр Дилмурод Шайхон) ва Самарқанд вилоятининг "Гумбаз устидаги юлдуз" (режиссёр Шаҳодат Усмонова) спектакллари учинчи ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, бир қатор йўналишлар бўйича совриндорлар аниқлаиб, мукофотлар топширилди.

Гулчеҳра БОНУ

ЖАҲОН БИЛАН БЎЙЛАШИБ

да ўтаётгани учун дастур устида жиддий ишладим, қўшқларни ҳам ўзим жойлаштирдим. Қолаверса, бу гал концерт икки кун давом этди ва халқро микёсида ташкил этилди. Таниқли италян композитори ва дирижёри Жерардо Колелла ҳамда Шимоллий ва Жанубий Осетия халқ артисти, қўлаб халқро мукофотлар совриндори Вероника Джиеова билан бир саҳнада концерт беришимиз ўзим учун ҳам, мухлислар учун ҳам ёқимли бўлди, назаримда. Айниқса, италян дирижёрининг таъқдани ниҳоятда ёнғил, айни пайтда юксак профессионал савияда ишлатиши ҳеч бир қўйналмай қўлашимга ҳаётини яратди. Агар дирижёр зўр бўлса, хонанда оркестр ҳақида ўйламай, фақат ижро ҳақида ўйлайди, овоз ҳам ўз-ўзидан жойига тушиб кетаверди.

Нокматарликка йўмангану, опера хонандасининг кетма-кет икки кун қўлаши дунё амалиётида деярли учрамайдиган ҳодиса. Мен эса таваққил қилдим. Операда жонли ижро этиш осон эмас. Ҳатто бу ҳақда Вероника ҳам гапирди. "Муассар, бекор кетма-кет икки кун концерт қўйибсан. Ахир, овозинг чарчаб, қўйлолмай қолсанг нима бўлади?", деди у ҳаяжонланиб. Шукрки, ҳар қандай чўчишлар ортда қолди, концерт, назаримда, ёмон ўтмади.

Этибор берган бўлсангиз,

опера санъатида қизиқувчилар ҳам кўпайиб, улар орасида ёшлар салмоқли ўрин эгаллашпти.

— Бу, биринчи навбатда, давлатимизнинг, Президентимизнинг шу соҳага қаратаётган эътибори, ғамхўрлиги ва яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар самараси. Қаранг, фақат баҳор ойининг ўзида иккита катта тадбир — Назира Аҳмедова номидаги опера хонандалари танлови ва "Ёшлик бахори" ёш опера ижрочилари кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Ҳар икки тадбир ҳам ўзбек опера санъатининг келажиги ишончли қўлларда эканини намойиш этди. Айниқса, Хўжаназар Жумаев, Шухрат Чориев, Бирдона Маткаримова, Улуғбек Тожиматов, Султонбек Абдурахимов каби ёш ижрочиларнинг чиқишларидан кўнглим тўлди. Улар бемалол чет элларда ўзбек опера санъати имкониятларини кўз-кўз қила оладилар, деб ўйлайман.

Шу ўринда баъзи истакларни айтиб ўтмоқчи эдим. Назира Аҳмедова хотирасига бағишлаб ўтказилган танлов уч турдан иборат бўлиб, охириги турда хонандалар оркестр жўрлигида ижро этишди ва голибларни аниқлаш кийинчилиги тўғдирмади. "Ёшлик бахори" эса битта турдан иборат бўлиб қолди, оркестр қатнашмади. Бундай шароитда ҳақиқий овозини ажратиб олиш-

йилга тақомиллашиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, камчиликларимиздан ҳулоса чиқариб, фаолиятимизни янада мукаммаллаштириш учун вақт ҳам, имконият ҳам етарли. Зеро, ҳар қандай танловдан асосий мақсад янги қиёфалар, янги ва ноёб овозларнинг кашф этишидир.

— **Сиз 2014 йилдан буён консерваториянинг академик хонандалик кафедрасини бошқариб, талабаларга қўлаш сир-асорини ўргатиб келасиз. Педагогик ва ижодий фаолиятини биргаликда олиб бориш қийинчилик тўғдирмаяптими? Ҳақиқий опера хонандаси бўлиш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?**

— Ақсинча, ёшлар билан ишлаш менга илҳом бағишляпти. Айниқса, операни астойдил севадиган, Оллоҳ берган овоз имкониятлари катта бўлган истеъодлар билан ишласам, завок шавққа тўламан, ўзбек операси келажигидан кўнглим тўқлиги ортади. Лекин академик хонандаликка қадам қўяётган ижрочилар билан ишлашнинг ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бор. Умуман, профессионал опера хонандасини тайёрлаш ниҳоятда нозик ва мураккаб жараён. Баъзан бошида яқши овоз билан келганлар охирида опера қўлашга яраммай қолиши ҳам мумкин. Ёки

Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда "Халқро болаларни ҳимоя қилиш кўни" муносабати билан Андижон шаҳрида ўтказилган республика қўғирчоқ театрларининг ўнинчи аънавий кўрик-фестивали санъат аҳли ва андижонликлар ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Айнан фестивалнинг очилиши кўни Андижон шаҳрининг қоқ марказида кичкинтой томошабинлар учун 300 ўринли янги қўғирчоқ театри биноси фойдаланишга топширилгани, унда яратилган шарт-шароитларни кўриб, бу ерда ҳозир бўлганларнинг кайфияти янада ўзгача бўлди.

Тўрт кун давомида ўндан зиёд саҳна асарлари намойиш этилди. Улар орасида "Самоларда учган аллома" (Фарғона), "Мукбул ва Мудбур афсонаси" (Қашқадарё), "Шарар" (Қорақалпоғистон), "Ох, бу Хўжа Насриддин" (Республика қўғирчоқ театри), "Улуғбек юлдузи" (Самарқанд), "Широк афсонаси" (Бухоро) сингари спектакллар бор.

Фестивал давомида таниқли адабиётшунос ва санъатшунос олим Шухрат Ризаев бошчилигидаги нуфузли ҳайъат ҳамда Санъат ва

яшайди... Ҳаётнинг бор завқи — яратиш завқидир.

Санъатнинг биринчи қонуни шу: агар айтадиган ҳеч нарсанг бўлмаса — сукут сақла. Агар айтишга сўзинг бўлса — айт ва алдама.

Оскар УАЙЛЬД:



Моҳиятан Санъат — ҳаётни эмас, балки унга назар солувчини акс эттирадиган кўзгудир.

Бизнинг замонамизда мўйқалам тебратётган портретчиларнинг аксари бутунлай унутилишга маҳкум. Улар ҳеч қачон ўзлари кўрган нарсани ифодалашмайди. Фақат омма кўрган нарсани тасвирлашди, холос. Бироқ омма, аслини олганда, ҳеч нарсани кўрмайди.

Санъатнинг мақсади — гўзаллиқни ошқор қилиш ва мусаввирни яшириш.

Аёллар бизни дурдона асарлар яратишга илҳомлантиради, бироқ уларни яратишимизга ҳамиша ҳалақит беришади.

Кимки ҳаётга рассом каби ёндошса, унинг бутун ақли юрагиди яшайди.

Ҳар қандай нафис гўзаллик ортда қандайдир фоҳиша яширинган. Ҳатто энг камтар гунчанинг дунёга келмоғи учун ҳам она замин тўлғоқ азобларига бардош бермоғи керак.

ЯРАТИШ ЗАВҚИ Кўнгли кўзи

Гўзалликка муҳаббат жамики инсон фарзанди учун хос бўлганидек, санъатга ошувталиқ, қизиқиш ва эътибор буюк шоир ва ёзувчилар учун бегона эмас. Ақсинча, улар ўз ижодий изланишлари, ижтимоий-маънавий қарашларида рассомлик, мусика каби санъат турларига катта эътибор қаратишади. Сўз усталари томонидан санъатнинг моҳияти ва вазифалари ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар эса ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Оноре де БАЛЬЗАК:



Санъат — бу миллат либоси.

Энг мукаммал гўзаллик намунаси ҳам агар ундан ҳайратлана олмасангиз ҳеч қандай қимматга эга бўлмаслиги мумкин.

Санъатнинг вазифаси табиатдан нусха кўчиришда эмас, уни ифода-лашда.

Табиат ҳақиқати ҳеч қачон санъат ҳақиқатига айланмаган ва айланмайди ҳам.

Олимплар билан олимпдек муносабатда бўлиш мумкиндир, аммо рассомлар билан шоир бўлиб тиллашиш лозим.

Ромен РОЛЛАН:



Мусикада ёлғону манманликка ружу қўйсанг, ҳамиша жазоланасан. Мусикага фақат камтарлик ва самимият хосдир.

Мусика худди ёмғирдек томчи-ма-томчи қалб-бингга сизиб боради ва унга жон бахш этади.

Мавжуд биргина бахт — яратиш бахти. Фақат яратишга қодир одамгина

Матлуба ИСОҚОВА

772181 61400